

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ХАЙТМУРАТОВ АРСЛАНБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ҲУДУДЛАРИ
ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ ЭНТОМОФАУНАСИ
ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунаси ҳамда уларга қарши кураш тизимини яратиш 3

Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич

Вредная энтомофауна пастбищных растений южного и центрального регионов Узбекистана и разработка системы мер борьбы с ними..... 29

Khaytmuratov Arslanbek Fayzullayevich

Harmful entomofauna of pasture plants of southern and central regions of Uzbekistan and development of control methods against them..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ХАЙТМУРАТОВ АРСЛАНБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ҲУДУДЛАРИ
ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ ЭНТОМОФАУНАСИ
ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/Qx106 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Гаппаров Фуркат Ахатович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ходжаев Шомил Турсунович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Анорбаев Азимжон Раимқулович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бобоқулов Насилло Асадович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсаётган, иқтисодиётнинг тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда, озиқ–овқат ва саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиши, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажмини янада кўпайтиришни тақозо этади. Бунинг учун эса дастлаб чорва озуқаси бўлган яйлов ўсимликларини турли зарарли организмлардан химоя қилиш ва яйловларда чорва молларини йил давомида боқишни ва чорва қишлови учун тўйимли ем-хашак жамғаришни таъминлаш долзарб муаммоларга айланмоқда.

Дунё бўйича йилдан йилга ҳароратнинг сезиларли даражада кўтарилиши атроф-муҳит ўзгаришига, шунингдек флора ва фаунага ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Натижада ер юзи ўсимликларига турли зарарли организмларнинг заърарли таъсири ортиб бормоқда. Зараркунандалар туфайли ўсимликлардан олинадиган ҳосил йўқотилиши дунёда 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ни ташкил этиши қайд этилган¹.

Ўзбекистон аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда яйловларнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки чорва моллари, айниқса қоракўлчилик (қўй, эчкилар) йил давомида яйловларда боқилади. Аммо, яйлов озуқа базасининг ҳосилдорлиги баъзида сезиларли пасаяди, бу нафақат метеорологик омиллар таъсирида, балки яйлов ўсимликларининг зараркунандаси бўлган ҳашаротлар туфайли ҳам юзага келади. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра яйлов ўсимликларига ҳашаротлар зарари туфайли яйловларда озуқа ўсимликлари захиралари айрим йиллари 25-36 фоизгача, баъзи бир йиллари ундан ҳам ортиқ камайиши кузатилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан зарарли ҳашаротларнинг ёппасига кўпайиб, қоракўлчиликнинг асосий озуқаси бўлган яйлов ўсимликлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинларига жиддий хавф туғдиришини олдини олиш мақсадида, яйлов ҳудудларида учрайдиган ҳашаротларнинг зарарли турларини ва улардан доминант зараркунанда ҳашарот турларини аниқлаб, уларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганган ҳолда уларга қарши самарали экологик безарар воситалар ва усуллар мажмуи яратилиб жорий этиш долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги ЎРҚ-538-сон «Ўзбекистон Республикасининг яйловлар тўғрисидаги қонуни»да белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹FAO. The state of food and agriculture climate change, agriculture and food security. Rome. 2016

вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиёти ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Яйлов ўсимликлари билан озиқланувчи ҳашаротларнинг асосий зарарли турлари ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва илмий муассасалари жумладан, FAO UN (Австралия), The New Zealand Institute for Plant & Food Research Limited (Янги Зеландия), The South Australian Research and Development Institute (SARDI) manages the Australian Pastures Genebank (APG), Australian Plague Locust Commission (Австралия), China Agricultural University (Хитой), Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш Институти (ВИЗР), Россия халқлар дўслиги Университети (Россия), Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги миллий Академияси (Қозоғистон), Қозоғистон ўсимликларни химоя қилиш ва карантини илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Туркманистон чўл ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси миллий институти (Туркманистон), Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда яйлов ўсимликлари зараркунандаларига қарши кураш мажмуини яратишга оид олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган; яйлов зарарли ҳашаротларининг турлар таркиби, айрим муҳим турларнинг биоэкологияси ўрганилган ҳамда уларга қарши микробиологик препаратларни ишлатишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган (FAO UN (Австралия), Australian Plague Locust Commission (Австралия) China Agricultural University); яйлов ўсимликларида учрайдиган 1110 турдаги фойдали ва зарарли ҳашаротлар аниқланган (Туркманистон чўл ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси миллий институти (Туркманистон), Қозоғистон ўсимликларни химоя қилиш ва карантини илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон); яйлов зараркунандаларига қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг самарадорликлари аниқланган (Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда дунёда яйлов зараркунандаларига қарши кураш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: зараркунандаларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари, уларнинг кўпайиш сабабларига оид янги маълумотлар тўплаш, экологик хавфсиз микробиологик биопрепаратлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва кенг жорий этиш; турли гуруҳга мансуб замонавий кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш;

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fao.org>, <http://www.ncbi.nlm.gov>, <http://www.vizrspsb.ru>, <http://www.niizkr.kz>.

яйлов зараркунандаларига қарши курашда усул ва воситалар мажмуини яратиш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алоҳида яйлов зараркунандаларининг тур таркибини, тарқалишини, кўпайишини ва уларга қарши кураш мажмуини яратиш бўйича Ўзбекистонда В.В.Корниенко, Р.А.Алимжанов, Н.Э.Эргашев, А.Г.Давлетшина, Ф.А.Гаппаров, А.Ф.Хайтмуратов, Ш.Қ.Худанов, М.Ж.Медетов, Н.Х.Туфлиевлар ва чет элларда Т.Б.Токгаев, О.С.Суюнов, Т.Н.Нурмуратов, Д.М.Hunter, A.V.Latchininsky, C.J.Lommer, S.Rettenkoffer ва б. олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Аммо яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган ва зараркунандаларга қарши кураш тизими ишлаб чиқилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-9-068 «Қишлоқ хўжалик экинлари атрофида кенг тарқалган зарарли маҳаллий чигирткаларнинг турларини ўрганиш ва уларга қарши кураш мажмуини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва БВ-А-КХ-2018-322 «Яйлов ўсимликлари зарарли энтомофаунаси ва уларга қарши замонавий кураш усуллари ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари) яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунасининг турлар таркибини, тарқалиш ареалини, доминант турларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида зараркунандаларга қарши экологик хавфсиз микробиологик ва истиқболли кимёвий препаратларни қўллаб, самарали кураш усул ва воситалар мажмуини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё) ва марказий (Самарқанд, Жиззах, Навоий) ҳудудлари яйловларида учрайдиган зарарли ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш;

яйлов энтомофаунасининг доминант турларини аниқлаш ва уларнинг биоэкологиясини ўрганиш;

яйлов зараркунандаларининг ўсимликларга зарарини аниқлаш;

яйлов зараркунандаларига қарши микробиологик инсектицидларнинг имкониятлари ва қўллаш истиқболларини илмий асослаш;

яйлов зараркунандаларига қарши янги, истиқболли ҳамда айрим ҳудудлар учун давомли таъсир этадиган кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш ҳамда қўллаш регламентини белгилаб бериш;

яйлов зараркунандаларига қарши курашда самарали восита ва усуллар мажмуини яратиш;

яйлов зараркунандаларига қарши тавсия этилаётган усул ва воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самаралилигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунаси.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов майдонлари, яйлов ўсимликлари ва зарарли ҳашаротларнинг тур таркибини, биоэкологик хусусиятларини ўрганишда ҳамда уларнинг асосий зарарли турларига қарши курашда фойдаланиладиган усул ва воситалар ишнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотлар зоология, умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалиги энтомологиясида кенг фойдаланиладиган кузатиш ва тажриба қўйиш орқали бажарилди.

Ишда фенологик ва фаунистик тадқиқотларни В.Ф.Палий, А.Қулмаматов, ҳашаротларнинг ривожланиш хусусиятларини Л.Н. Зоценко, О.С.Комарова, зараркунандаларнинг турлар таркиби ва уларнинг табиий энтомофагларини В.Н.Щеголев, М.Е.Черняховский, Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева, Н.В.Бондаренко ва И.Г.Кирияк аниқлагичлари ёрдамида аниқланди.

Яйлов зараркунандаларига қарши қўлланилган кимёвий ва микробиологик воситаларнинг биологик самарадорлиги В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров ва Аббот услубларидан фойдаланиб ҳисобланди. Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Н.Р.Гончаров ва б., услубидан фойдаланилди. Тажрибаларда олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услублари бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яйлов ўсимликлари билан озиқланадиган ҳашаротларнинг: тўғриқанотлилар туркумининг 5 та оиласига мансуб 37 тури; тенгқанотлилар туркумининг 2 та оиласига мансуб 7 тури; яримқаттиққанотлилар туркумининг 2 та оиласига мансуб 6 тури; қаттиққанотлилар туркумининг 8 та оиласига мансуб 53 тури; тангачақанотлилар туркумининг 11 та оиласига мансуб 34 тури; қулоққовлагичлар ва термитлар туркумларидан 2 та оилага мансуб 2 тадан тур, жами ҳашаротлар синфига мансуб 7 та туркумининг 30 та оиласига мансуб 141 тури аниқланди. Уларнинг 95 та тури эфемер–эфемероидлиларга, 137 та тури чала бута–эфемероидларга, 53 та тури эса, бутали-ўтли яйловларда тарқалганлиги аниқланган;

яйлов ўсимликларида ҳашаротларнинг йигирмадан ортиқ тури доминант эканлиги аниқланиб, уларнинг биоэкологияси ўрганилган ва ривожланишининг фенологик календари тузилган;

энтомофагларнинг ҳамда ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирларнинг зараркунандалар популяцияси сонини камайтиришдаги аҳамияти ўрганилган;

яйлов зараркунандаларига қарши экологик хавфсиз микробиологик *Metarhizium* замбуруғи асосидаги биопрепаратларнинг биологик самарадор-

ликлари аниқланган;

яйлов зараркундаларига қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб янги замонавий инсектицидларнинг биологик ва хўжалик самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яйлов ўсимликлари билан озикланувчи ҳашаротларнинг 7 туркум, 30 оиласига мансуб 141 тури қайд этилиб, улардан йигирмадан ортиқ тури яйлов ўсимликлари учун хавфли асосий доминант зарарли турлар эканлиги аниқланиб, уларнинг биоэкологияси ва ривожланишининг фенологик жадвали тузилган ҳамда тарқалиш сабаблари кўрсатиб берилган;

зарарли чигирткаларга қарши *Metarhizium* замбуруғи асосида яратилган микробиологик Новакрид биопрепаратининг энг кичик меъёрда қўллаш регламенти ишлаб чиқилган;

яйлов зараркундаларига қарши замонавий истиқболли инсектицидлардан: Далатэ плюс, 10% эм.к., Фипронил Экстра, 20% сус.к., Адонис голд, 20% сус.к., Вефтор, 35% сус.к., Киллер супер, 20% эм.к., Крейсер, 20 % эм.к., Виделтаметрин 10%, эм.к., Имидашанс плюс, сус.к., Имидашанс, с.э.к., Неоклоприд Экстра, 70% с.д.г., Фасшанс, эм.к. (100 г/л), Караче супер, 20% эм.к., Далприд, 20% н.кук., Энтолучо, 20% эм.к. препаратлари қўлланилганда юқори биологик самара қайд этилиши ва гектаридан 784-854 кг ҳосил (хашак) сақлаб қолиши, ҳамда химоя учун сарфланган маблағ 8,0-21,4 мартагача қопланиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан дала ва лаборатория тажрибалари тўғри ўтказилганлиги, ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотлар ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий лойиҳаларининг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар сифатида чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилиб кенг жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яйлов ўсимликлари билан озикланадиган ҳашаротларнинг турлари аниқланиб, уларнинг яйлов типлари бўйича тарқалиши; доминант турларнинг биоэкологияси, ривожланишининг фенологик жадвали тузилиб, ривожланиш хусусиятлари ўрганилганлиги ва кўпайиш сабаблари аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё) ва марказий (Самарқанд, Жиззах, Навоий)

худудлари яйловларида учрайдиган ўсимликлар энтомофаунасининг асосий зарарли турларига қарши турли кимёвий инсектицидлар ва биопрепаратларнинг қўллаш мажмуини яратилиши билан, ҳамда энг муҳими – табиатда мавжуд бошқа бўғиноёқли жонзотларнинг қирилиб кетишининг олди олиниши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий худудлари яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунаси ҳамда уларга қарши кураш тизимини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий худудларида яйлов ўсимликлари билан озикланадиган ҳашаротларга мансуб 7 та туркумнинг 30 та оиласига хос 141 тури аниқланган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 24 сентябрдаги 4/1255-2539-сон маълумотномаси). Уларнинг 95 та тури эфемер – эфемероидли, 137 та тури чала бута – эфемерли, 53 та тури бутали – ўтли яйловларда тарқалиши аниқланган;

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий худудларида яйлов ўсимликларида учрайдиган зарарли ҳашаротларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб 14 та инсектицид ва 1 та микробиологик биопрепарат «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик химоя воситалари Рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг 2019 йил 26 августдаги 2-5-192-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу рўйхатга киритилган воситалардан яйлов зарарли ҳашаротларига қарши курашда кенг фойдаланишга имконият яратилган;

яйловларда учрайдиган марокаш чигирткаси личинкаларига қарши Далатэ плюс (0,075-0,125 л/га), Фипронил экстра (0,03-0,04 л/га), Адонис голд (0,03-0,04 л/га), Вефтор (0,05 л/га), Киллер супер (0,0375-0,0625 л/га), катта саксовул букри чигирткасига қарши Кресер (0,05-0,1 л/га), Виделтаметрин (0,1-0,125л/га); Турон ва италия зарарли чигирткаларнинг личинкаларига қарши Имидашанс плюс (0,1-0,15л/га), Имидашанс (0,07-0,1 л/га), Неоклоприд экстра (0,025-0,04 л/га), Фасшанс (0,1-0,2 л/га) сарф-меъёрларда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарақанд, Жиззах, Навоий вилоятлари зарарли энтомофаунасига қарши 827 710 гектардан ортиқ майдонда жорий этилган («Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 11 сентябрдаги 02-13/862-сон маълумотномаси). Натижада чорва озукаси бўлган яйлов ўсимликларидан 784-854 кг қуруқ пичан ҳосилини сақлаб қолишга эришилган;

эрта баҳорги яйлов ўсимликлари зараркунандаларидан кравчик қўнғизларига қарши: Караче супер (0,04-0,06 л/га), Далатэ плюс (0,075- 0,125 л/га); шувоқ баргхўри куртларига қарши: Далприд (0,1-0,15 л/га), Энтолучо (0,1-0,15 л/га), Киллер супер (0,05-0,07 л/га); кушқўнмас ўт капалаги куртларига қарши: Виделтаметрин (0,15-0,2 л/га), шувоқ тунлами куртларига қарши – Киллер супер (0,1-0,15 л/га), саксовул ширасига қарши эса Неоклоприд экстра (0,075-0,1 л/га) сарф-меъёрларда қўлланилганда

яйловлардан илк мартаба гектаридан ўртача 638,4-698,4 минг сўмлик фойда кўрилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 6 сентябрдаги 02/025-2171-сон маълумотномаси). Натижада 800-2078% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХООТИИЧМ ва ЎХҚИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан кўриқдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация тақдироти натижалари 18 та, жумладан 8 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан 15 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган, шунингдек 4 та илмий-услубий қўлланма ва 3 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Яйлов ўсимликлари энтомофаунасининг ўрганилганлиги»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган илмий тадқиқотлар натижаларининг батафсил таҳлили берилган. Чорва озукаси бўлган яйлов ўсимликларининг асосий зарарли ҳашаротлари турларини ўрганиш, тарқалиши, зарари ва уларга қарши курашнинг бугунги аҳволи бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек яйлов зарарли энтомофаунасининг табиий кушандалари ва уларнинг аҳамияти, зараркундаларга қарши агротехник, биологик кураш чоралари ва имкониятлари, уларга қарши курашда қўлланиладиган восита ва усуллари, уларнинг истиқболларининг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган ҳудудларнинг иқлим шароитлари, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг табиий иқлим шароитлари ва географик жойлашуви ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Тадқиқотлар Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятларининг яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунаси тарқалган яйлов худудларида ва ЎХҚИТИнинг «Яйлов зараркунандалари ва энтомопатоген микроорганизмларни ўрганиш» лабораториясида олиб борилди. Лаборатория ва дала тажрибалари яйлов майдонларида асосий зарар келтирувчи ва умумий зараркунандаларнинг 40-45% дан кўпроғини ташкил этадиган чигирткалар-*Acrididae*, 25-35% ни ташкил этувчи кўнғизлар-*Coleoptera*, 25-30% дан кўпроғини ташкил этадиган капалаклар-*Lepidoptera* ва бошқа асосий зарарли ҳашарот турларига қарши янги усул ва воситаларни қўллаш асосида олиб борилди.

Ишда фенологик ва фаунистик тадқиқотлар В.Ф.Палий ва А.Кулмамаатовларнинг услубий қўлланмалари ёрдамида бажаририб, зараркунандаларнинг тарқалиш ареалини ва тур таркибини аниқлаш учун яйловлардан ҳашарот намуналари йиғиб келинди. Олинган намуналарнинг турлари аниқлангунча 70%-ли спирт ва 4% глицерин аралашмасидан тайёрланган фиксаторларда сақлаб турилди.

Зараркунандалар ва уларнинг табиий энтомофаглари В.Н.Щеголев, Г.Я.Бей-Биенко, Н.В.Бондаренко ва И.Г.Кирияк томонидан тузилган аниқлагичлар ҳамда ЎзФА, Зоология институти, энтомология лабораторияси илмий ходимлари ёрдамида аниқланилди. Шунингдек чигирткаларнинг тухум кўзачаларини аниқлашда М.Е.Черняховский услубий қўлланмаси ёрдамида, асосий зарарли турларини тур-таркибини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева томонидан чоп этилган аниқлагичлар ёрдамида, зараркунанда ҳашаротларнинг текинхўр ва йиртқичларини ўрганишда махсус йўналиш бўйлаб намуналар йиғилиб Л.М.Копанева аниқлагичлари ёрдамида аниқланилди. Зараркунандаларга қарши кимёвий ва микробиологик инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича дала тажрибаларимиз Микронейр АУ-8115 ўта кам ҳажмда (УМО) пуркаш мосламаси ёрдамида гектарига 2 литр ҳисобида, ОВХ-600 трактор пуркагичида 200 л/га ишчи эритмани сарфлаш орқали, К-45 осма моторли қўл аппаратида эса 120 л/га ишчи аралашмани қўллаш орқали олиб борилди.

Лаборатория тажрибаларини ўтказишда махсус энтомологик, бўздан тайёрланган, 50x50x70 см майдонга ўрнатилган уяча (садок)ларга ўртача 30-тадан ҳашаротлар солиниб, препаратларни сепишда 0,5 ёки 1,0 литрли махсус механик қўл пуркагичларидан фойдаланилди. Барча тажрибаларда энтомологик ҳисоб-китоблар препаратлар таъсир этиш механизми, хусусиятлари ва қўлланилган усулларга мос равишда олиб борилди. Лаборатория ва дала тажрибаларида зараркунандаларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда В.В.Курдюков ва Ш.Т.Хўжаев услубларидан фойдаланилди.

Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва б., усулидан, тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар, Б.А.Доспехов усулларига асосан дисперсион таҳлил қилиниб, ўртача фарқи ($S \pm m$) ва энг кичик фарқи-ЭКФ (НСР) ЎХҚИТИ

«Ўсимликларни ҳимоя қилишда ахборот технологияларини қўллаш ва математик моделлаштириш» лабораторияси томонидан тузилган компьютер дастури орқали аниқланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов ўсимликларига зарар келтирувчи ҳашаротларнинг тур таркиби» деб номланган учинчи бобида яйлов ўсимликларининг зарарли энтомофаунаси турларини аниқлашда тадқиқотларни 2013-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё) ва марказий (Самарқанд, Жиззах, Навоий) ҳудудлари яйловларида ўтказилди. Яйлов ўсимликларининг зарарли ҳашаротларининг турларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида ушбу ҳудудларда 141 тур ҳашаротларнинг яйлов типлари (Эфемер – эфемероидли, чала бута – эфемерли, бутали – ўтли) бўйича учраш даражаси қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Яйлов ўсимликларида учрайдиган зарарли ҳашаротлар тури ва уларнинг тақсимланиши

№	Зарарли ҳашарот турлари	Яйлов типлари*		
		Эфемер ва эфемероидли	Чала бута-эфемерли	Бута ва ўтли
1	2	3	4	5
Туркум: Isoptera				
1.	<i>Anacanthotermes turkestanicus</i> Jacobs.	-	+	+
2.	<i>A. ahngerianus</i> Jacobs.	-	+	+
Туркум: Orthoptera				
Оила: Tettigoniidae				
3.	<i>Tettigonia viridissima</i> L.	++	+	+
4.	<i>T. caudate</i> Chr.	++	++	+
5.	<i>Decticus verrucivorus</i> L.	++	++	+
6.	<i>Platycleis intermedia</i> Serv.	+	+	
7.	<i>Semenoviana plotnikovi</i> Uv.	-	+	+
Оила: Grylloidea				
8.	<i>Oecanthus turanicus</i> Uv.	++	+	-
9.	<i>Gryllus desertus</i> Pall.	+	++	+
10.	<i>G. burdigalensis</i> Latr.	+	++	+
11.	<i>Gryllotalpa gryllotalpa</i> L.	-	+	+
12.	<i>G. umspina</i> Sauss.	-	+	+
Acridoidea				
Оила: Pyrgomorphidae				
13.	<i>Pyrgomorpha conica deserti</i> B.Bienko	++	+	-
14.	<i>Chrotogonus turanicus</i> Kuthy.	+	++	+
Оила: Pamphagidae				
15.	<i>Pezotmethis tartarus</i> Uv.	+	+	-
Оила: Acrididae				
16.	<i>Dericorus albidula</i> Serv.	-	-	+++
17.	<i>D. annulata roseipennis</i> Redt.	-	-	++

1	2	3	4	5
18.	<i>Calliptamus italicus</i> L.	+++	++	-
19.	<i>C. turanicus</i> Tarb.	+++	++	-
20.	<i>C. barbarous cephalotes</i> F.W.	+++	++	-
21.	<i>Conophyma tarbinskyi</i> Mir.	+	-	-
22.	<i>Truxalis nasuta</i> L.	+	+	-
23.	<i>Acrida oxycephala</i> Pall.	+	+	+
24.	<i>Ochrilidia hebetata hebetata</i> Uv.	-	+	+
25.	<i>Duroniella gracilis</i> Uv.	+	+	-
26.	<i>Dociostaurus tartarus</i> Uv.	++	+	-
27.	<i>D. Plotnikovi</i> Uv.	++	+	-
28.	<i>D. kraussi nigrogeniculatus</i> Tarb.	+++	+++	+
29.	<i>D. maroccanus</i> Thunb.	+++	+++	+
30.	<i>Ramburiella turcomana</i> F.W.	+++	++	-
31.	<i>Oedipoda miniata miniata</i> Pall.	++	++	-
32.	<i>O. fedtschenko ifedtschenkoi</i> Sauss.	+	+	-
33.	<i>Oedaleus decorus</i> Germ.	+	++	+
34.	<i>Leptopternis ilitnsis</i> Uv.	-	+	+
35.	<i>Hyalorrhypis turcmena</i> Uv.	-	+	+
36.	<i>H. clausi</i> Kitt.	-	+	+
37.	<i>Sphingonotus satrapes</i> Sauss.	-	+	++
38.	<i>Leptopternis gracilis</i> Uv.	-	+	+
39.	<i>Mioscirtus wagner</i> Ev.	-	+	+
Туркум: Dermaptera				
40.	<i>Anechura asiatica</i> Sem.	-	+	-
41.	<i>Labidura riparia</i> Pall.	-	+	-
Туркум: Homoptera				
Оила: Aphididae				
42.	<i>Xerophilaphis saxaulica</i> Nevs.		+	++
43.	<i>Brachyunis platnikovi</i> .	+	+	-
44.	<i>Hyalopterus pruni</i> Geoffr.	-	+	-
45.	<i>Aphis craccivora</i> Koch.	++	++	-
Оила: Cicadidae				
46.	<i>Cicadatra guerula</i> Pall.		++	-
47.	<i>C. ochreata</i> Pall.		+	-
48.	<i>C. musiva</i> Germ.		-	+
Туркум: Hemiptera				
Оила: Miridae				
49.	<i>Adelphocoris lineolatus</i> Goeze	+	++	-
50.	<i>Lygus gemellatus</i> L.	-	++	-
51.	<i>L. pratensis</i> L.	+	+	+
Оила: Pentatomidae				
52.	<i>Graphosoma lineatum</i> L.	+	+	-
53.	<i>Dolycoris penicellatus</i> Horv.	+	+	-
54.	<i>Carpocoris fuscispinus</i> Boh.	+	+	
Туркум: Coleoptera				
Оила: Scarabaeidae				
55.	<i>Lethrus rosmarus</i> Ball.	+++	+++	-
56.	<i>L. pygmacus</i> Ball.	+++	+++	-
57.	<i>L. apterus</i> L.	++	++	-
58.	<i>L. microbuccis</i> Ball.	++	++	-
59.	<i>L. dinoterium Iitvinovi</i> Sem.	++	++	-
60.	<i>L. splendens</i> Sem.	++	++	-

1	2	3	4	5
61.	<i>L. scoparius</i> Fesch.	++	++	-
62.	<i>L. submandibularis</i> Lebed.	++	++	-
63.	<i>L. appendiculatus</i> Jak.	++	++	-
64.	<i>Abrognathus tuberculi</i> Irons Ball.	++	++	-
65.	<i>Amphicoma kuschakeritschi</i> Ball.	+	+	+
66.	<i>Chioeosoma komarovi</i> Tsch.	-	+	++
68.	<i>Cetonia aurata</i> L.	-	+	++
69.	<i>Xanthotrogus fortis</i> Reitt.	+	++	-
70.	<i>Polyphylla alba</i> Pall.	-	+	+++
71.	<i>P. adspersa</i> Mots.	-	+	+
72.	<i>Adoretus comptus</i> Men.	-	+	+
73.	<i>Adoretus nigrifrons</i> Stev.	+	++	-
74.	<i>Pentodon dubius</i> Pall.	+	++	-
75.	<i>Oryctes punctipennis</i> Motsch.	-	+	-
76.	<i>Epicometis turanica</i> Rtt.	++	++	-
77.	<i>Epicometis hirta</i> Poda.	++	++	-
Оила: Elateridae				
78.	<i>Agriotes tadjikistanicus</i> Cand.	+++	++	+
79.	<i>A. meticulosus</i> Cand.	+++	++	+
Оила: Buprestidae				
80.	<i>Lampetis argentata</i> Mnh.	-	++	+++
81.	<i>Capnodis excisa</i> Men.	-	++	+++
82.	<i>Lulodis variolaris</i> Pall.	-	++	+++
83.	<i>L. bucharica</i> Sem.	-	++	+++
Оила: Tenebrionidae				
84.	<i>Tentyria gigas</i> Fald.	++	++	+
85.	<i>Adesmia qebleri</i> Gebl.	-	+	++
86.	<i>Sarothropus fallax</i> G. Medv.	+	+	-
87.	<i>Trigonoscelis nodosa</i> Fisch.	+	++	+
88.	<i>Ocnerna pilicollis</i> Fald.	+	++	-
89.	<i>Pisterotarsa gigantea</i> F.-W.	++	++	+
90.	<i>P. undulata</i> Kr.	+	+	+
91.	<i>Blaps heophila</i> F.-W.	++	++	+
92.	<i>B. parvicollis subcordata</i> Seidl.	+	++	+
Оила: Meloidae				
93.	<i>Mylabris frolovi</i> Germ.	++	+++	-
94.	<i>M. quadripunctata</i> L.	++	++	-
95.	<i>Zonitis flava</i> F.	++	++	-
96.	<i>Hycleus quatuodecimpunctatus</i> Pallas.	+	+	-
Оила: Cerambycidae				
97.	<i>Prionus komarovi</i> Dochn.	-	++	++
98.	<i>P. turkestanicus</i> Sem.	-	++	++
99.	<i>Plocaederus scapularis</i> Fisch.	+	++	-
Оила: Chrysomelidae				
100.	<i>Chrysochares asiatica</i> Pall.	-	++	-
101.	<i>Theone costipennis</i> Kirsch.	-	+++	-
102.	<i>Entomoscelis adonidis</i> Pfl.	-	++	-
Оила: Curculionidae				
103.	<i>Megamecus variegatus</i> Gebl.	+	++	-
104.	<i>Lixus algirus</i> L.	++	++	-
105.	<i>Chromosomus fischeri</i> Fahrs.	++	++	-

1	2	3	4	5
106.	<i>Baris memnonia</i> Boh.	++	+	-
107.	<i>Leucochromus imperialis</i> Zoub.	-	+	-
Туркум: <i>Lepidoptera</i>				
Оила: <i>Zygaenidae</i>				
108.	<i>Zygaena truchmena</i> Ev.	+	+	+
Оила: <i>Tortricidae</i>				
109.	<i>Trachysmia subfumida</i> Flkv.	-	+	-
Оила: <i>Psychidae</i>				
110.	<i>Amictoides plotnikovi</i> Kozh.	++	+	-
Оила: <i>Coleophoridae</i>				
111.	<i>Coleophora tadjikilla</i> Danilev.	++	-	-
112.	<i>C. saxauli</i> Flkv.	-	+	+
Оила: <i>Lasiocampidae</i>				
113.	<i>Chilena sordida</i> Ersch.	+	++	-
114.	<i>Malacosoma castrensis</i> L.	+	++	-
Оила: <i>Sphingidae</i>				
115.	<i>Celerio zygophylli</i> Ochs.	+	++	-
116.	<i>Theretra alecto</i> L.	+	++	+
Оила: <i>Noctuidae</i>				
117.	<i>Ochropleura petersi</i> Chr.	++	+	-
118.	<i>Mamestra trifolii</i> Rott.	++	+	-
119.	<i>Cucullia boryphora</i> F.-W.	+	++	-
120.	<i>Aleucanitis flexuosa</i> Men.	++	++	+
121.	<i>Erastria trabealis</i> Scop.	+	+	-
122.	<i>Heliothis scutosa</i> Schiff.	+	++	-
123.	<i>Dysgonia algira</i> L.	+	++	-
124.	<i>Agrotis segetum</i> Schiff.	++	++	-
125.	<i>Lacaonobia suasa</i> Schiff.	+	+	-
126.	<i>Cornutiplusia circumflexa</i> L.	+	++	-
127.	<i>Drasteria sesquilinea</i> Stau.	+	+	-
128.	<i>D. cailino</i> Lefe.	+	+	-
129.	<i>Orthosia gracilis</i> Schiff.	+	+	-
130.	<i>Drasteria</i> Sp.	-	+	-
131.	<i>Dichagyris hammatra</i> Schiff.	-	+	-
132.	<i>Autographa gamma</i> L.	++	+	-
133.	<i>Euxoa conspicua</i> Hub.	+	+	-
Оила: <i>Arctiidae</i>				
134.	<i>Phragmatobia fuliginosa</i> L.	+++	++	-
135.	<i>Arctia caja</i> L.	+	+	-
Оила: <i>Pieridae</i>				
136.	<i>Pieris rapae</i> L.	++	+	-
137.	<i>Colias erate</i> Esp.	++	+	-
138.	<i>Zegris fausti</i> Chr.	+	+	-
Оила: <i>Lycaenidae</i>				
139.	<i>Lycaena icarus</i> Rtt.	+	+	-
140.	<i>Chrysophanus vigaureae</i> L.	+	+	-
Оила: <i>Nymphalidae</i>				
141.	<i>Pyrameis cardui</i> L.	++	+++	-

Изоҳ: ++ кам учрайдиган тур, + -ўрғача тарқалган тур, +++ -кенг тарқалган доминант тур, —-тур учрамаган. *)-Яйлов типлари Ф.Ахмедов ва б. (2009) бўйича.

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яйлов ўсимликлари билан озикланадиган ҳашаротлар орасида: тўғриқанотлилар туркумининг 5 та оиласига мансуб 37 тури, тенгқанотлилар туркумининг 2 та оиласига мансуб 7 тури, яримқаттиққанотлилар туркумининг 2 та оиласига мансуб 6 тури, қаттиққанотлилар туркумининг 8 та оиласига мансуб 53 тури, тангақанотлилар туркумининг 11 та оиласига мансуб 34 тури, қулоққавлагичлар ва термитлар туркумларидан 2 та оилага мансуб 2 тадан тур, жами ҳашаротлар синфига мансуб 7 та туркумининг 30 та оиласига мансуб 141 тури қайд этилди. Уларнинг 95 тури эфемер ва эфемероидли, 137 тури ярим бута-эфемерли, 53 тури бута ва ўтли яйловларда тарқалганлиги маълум бўлди. 2002-2019 йиллар давомида Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яйлов ўсимликларида учрайдиган асосий зараркунандалар; Термитлар, чигирткалар, пластинка мўйловли қўнғизлар, чертмакчилар, тиллақўнғизлар, қорақўнғизлар, малҳамчилар, мўйловдорлар, баргхўрлар, узунбурунлар, ғилофли капалаклар, пиллакашлар, нимфасимонлар, оқ капалаклар ҳамда тунлам капалакларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари, кўпайиши, тарқалиши, зарари, морфологик тафовутлари бўйича батафсил маълумотлар тўпланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида яшовчи доминант зараркунандаларнинг биоэкологияси» деб номланган тўртинчи бобда яйлов ўсимликларига ҳашаротларнинг етказадиган зарари таҳлил қилиниб, биоэкологик хусусиятлари ўрганилган.

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларидаги яйловларда ҳашаротлар 30% гача, айрим жойларда эса 45% гача ўсимлик уруғларини нобуд қилади. Зараркунанда ҳашаротларнинг айрим ривожланиш ўчоқларида эса зарарланиш даражаси 65-80% гача бўлиши аниқланди. Барг, яшил новдалар, шохчаларни шикастловчилар ҳашаротларнинг асосий ва кўп сонли қисмини ташкил этиб, улар катта халқ хўжалик аҳамият касб этади. Бундай гуруҳга мансуб ҳашаротларга асосан тангачақанотлилар, икки қанотлилар, тўғриқанотлилар, қаттиққанотлилар туркумларига мансуб ҳашаротлар киради. Уларнинг фаолияти натижасида ўсимликлардаги сув алмашиниш ва ассимиляция жараёнлар бузилиб кетади ва ҳатто яйлов ўсимликлари нобуд бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Айниқса яйловларда чигирткалар катта зарар етказди. *Calliptamus barbarus cephalotes*, *C. italicus*, *C. turanicus*, *Dociostaurus maroccanus* каби турларнинг зичлиги ошиб улар об-ҳавонинг ноқулай шароити билан уйғунлашиб кетган ҳолларда жуда хавфли ҳолат юзага келади. Масалан, *Dociostaurus* авлоди турларининг 2017 йили Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, *Calliptamus* авлоди чигирткаларининг эса 2018 йилда Навоий, Жиззах вилоятларида ёппасига кўпайиб кетиши қурғоқчилик билан уйғунлашиб озуқа ўсимликларига катта зиён келтирди.

Бизнинг кузатишимиз бўйича чигирткаларнинг ёппасига кўпайган йилларида ўсимликлар тўлиқ яланғочланиб қолади ва уларнинг поясигина қолиб, яйловнинг ҳосилдорлиги кескин пассайиб кетади.

Қаттиққанотли ҳашаротлардан энг кўп зарар келтирадиганлари шувоқ баргхўри (*Theone costipennis* Kirsch.) бўлиб, ёппасига тарқалган йиллари минглаб гектар шувоқ яйловларини яланғочлаб ташлайди. Бундай пайтларда уларнинг личинка ва имаголари ҳар бир м² майдонда 250-300 тагача етади. Айрим тангачақанотлилар, айниқса ёппасига кўпайиб кетган йилларида, яйлов ўсимликларига жуда катта зарар етказди. Ҳосил бўлган ўчоқларида уларнинг қуртлари бута ва чала буталарни яланғочлаб, кучсизлантиради ҳатто ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳам кузатилади.



А



Б

1-расм. Ҳашаротларнинг яйлов ўсимликларига зарари.

А – Қорақўнғизлар личинкаси ўсимлик илдизини зарарлаши,
Б – Чақамиғ ўт капалаги қуртларининг каррак ўсимлигини зарарлаши.

Бундай йилларда зараркундаларнинг миқдори бениҳоят кўпайиб кетади. Масалан, тунлам қуртининг миқдори 1 м² да 30-50, ҳатто айрим пайтларда 100 тага етади. Бундай майдонлар 150-200 минг гектарлаб тарқалган бўлиши мумкин. Чўлнинг ҳар хил худудларида одимловчи пиллакаш (*Malacosoma castrensis* L.), капюшонли ёки муйнали тунлам (*Cucullia boryphora* F.-W.) ва бошқа тангачақанотлиларнинг турлари томонидан оммавий кўпайиш юзага келиб туради. Кузатишларимизга кўра бундай ҳолат яъни капюшонли ёки муйнали тунлам (*Cucullia boryphora* F.-W.) нинг оммавий кўпайиши 2006-йили Навоий вилоятининг Томди тумани яйловларида кузатилди. Бу тунлам катта майдонга тарқалиб яйлов ўсимликларига жиддий зарар етказди. Натижада катта майдонларда кимёвий ишловлар ўтказишга тўғри келинди. Ўсимлик танасида яшовчи зараркундалар унчалик кўп бўлмасада, саксовул тана тиллақўнғизи саксовулни 42% гача зарарлайди. Тиллақўнғиз личинкалари билан зарарланган новда аста-секин нобуд бўлади, синиб тушади ва сийраклашиб қолади.

Энг кўп ва сезиларли зарар етказадиган ҳашаротларга чигирткалар, узунбурунлар, баргхўрлар ва тунламлар киради. Ўсимликларнинг ҳашаротлар томонидан зарарланиши айрим яйловларда 8-32% ни ташкил этади.

Ҳашаротларнинг ҳаётий ривожланиш циклини кўп йиллар давомида ўрганиш натижасида қуйидаги 20дан ортиқ тур ҳашаротларни Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий худудлари яйловларнинг асосий зараркундалари эканлиги аниқланди. Улар яйлов ўсимликлар қоплами учун энг хавфли ва жиддий зарар етказувчи зараркунанда ҳашаротлардир. Жумладан: чигирткалар оиласидан – *Calliptamus italicus* L., *C. turanicus* Tarb., *C. barbarus cephalotes* F.W., *Dociostaurus maroccanus* Thunb., *D. kraussi nigrogeniculatus* Tarb., *Dericorus albidula* Serv.; пластинка мўйловли қўнғизлар оиласидан – *Lethrus pygmaeus* Ball., *L. rosmarus* Ball., *Adoretus*

nigrifrons Stev., *Polyphylla adspersa* Mots., *P. alba* Pall., чертмакчи кўнғизлар оиласидан – *Agriotes meticulosus* Cand, *A. tadjikistanicus* Cand.; тиллақўнғизлар оиласидан – *Lulodis variolaris* Pall.; қоратанли кўнғизлар оиласидан – *Blaps heophila* F.-W., *Blaps parvicollisubcordata* Seidl.; барғхўр кўнғизлар оиласидан – *Chrysochares asiatica* Pall., *Theone costipennis* Kirsch.; ғилофли капалаклар оиласидан – *Coleophora tadjikilla* Flkv., тунлам капалаклар оиласидан – *Aleucanitis flexuosa* Men., *Mamestra trifolii* Rott., *Cucullia boryphora* F.-W., *Heliothis scutosa* Schiff., нимфасимонлар оиласидан – *Pyrameis cardui* L. каби ҳашаротлардан ташкил топганлигини қайд этдик. Оммавий кўпайиш хусусияти бўлган хавфли зараркундаларнинг биоэкологияси ўрганилиб, ривожланишининг фенологик жадвали тузилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов ўсимликлари зараркундаларига қарши курашнинг такомиллаштирилган тизимини яратиш» деб номланган бешинчи боби беш бўлимдан иборат бўлиб, зарарли турлар сонини бошқариш муаммолари ечимига бағишланган. Маълумки, ўтлоқзорларда чорва молларини меъёр бўйича боқилиб бориши, ўсимликларга таъсир этадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун доимо ўтлоқ режимини тўғри аниқлаш ва тупроқ қоплами ҳолати билан ҳамоҳанг ҳолда сақлаб туриш керакдир. Умуман олганда яйловларнинг моллар подаси ёрдамида муътадил пайҳонланиши ҳашаротларнинг миқдорини ҳам чеклаб туради. Бунинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, ўтхўр чорва моллари ўт билан бирга ҳашаротларнинг ҳам катта миқдорини нобуд қилади. Буларнинг ҳаммаси чигирткасимонларнинг кўзачаларини, барг бургалари галлари, капалак ҳашаротларнинг ғумбаклари ва бошқа ўсимлик тўқималарида ҳамда тупроқда яшовчи ҳашаротларнинг яшаш жойларини бузилишига сабабчи бўлади.

Яйлов ўсимликлари уруғини тайёрлаш учун ҳосил қилинадиган ўтлоқлар ҳайдалади ва молаланиб, сўнгра ўсимлик уруғлари экилади. Бундай агротехник тадбирлар ҳам зараркундалар ҳашаротларга сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, сунъий ташкил этилган яйловларда тилла кўнғизларнинг миқдори кўпайиб кетади, ўтлоқ ўсимликларининг илдизлари билан озукланувчи кравчик кўнғизлари, тилла кўнғизлар, қора кўнғизлар, узунбурунлар ва бошқа зараркундаларнинг тупроқдаги личинкари ортиб боради. Тупроққа ишлов берилганида бир қатор ҳашаротларнинг миқдори камайиб кетади. Тупроқ тишли борона билан молаланса, ўзгарувчан тилла кўнғиз личинкаларининг миқдори 10 марталаб камайиб кетади.

Яйлов ўсимликларининг уруғларини оптимал муддатларда йиғиштириб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг аниқлашимизча, сентябр охирида ва октябр бошларида йиғиштириб олинган уруғларда ҳашаротлар ҳали ўз ривожланишини давом эттираётган бўлади. Хусусан, бу пайтда йиғиштириб олинган 1 кг изен уруғида 120 та ғилофбурунининг қурти борлигини аниқладик. Октябрнинг ўрталарида ва охирида эса, ҳашаротларнинг миқдори бир неча марта камайиб кетганлиги кузатилди. Бунинг сабаби шундан иборатки кўпчилик уруғни зарарловчи ҳашаротлар кунлик ҳароратни 6°С

кўрсаткичида озукланишини тўхтатиб қишлоғга ўтиб кетади. Кейинги йилларда лалми ғалла экиладиган майдонлар қисқариб бораётганлиги сабабли, Республикаимизнинг қатор худудларида зарарли чигирткаларнинг тухум кўйиш ўчоқларининг кенгайиши кузатилмоқда. Уларнинг ёппасига кўпайиши, қишлоқ хўжалик экинлари майдонларига жиддий хавф солиши ва зарар келтириш ҳолатлари тез-тез юзага келмоқда. Шу сабабли, юқоридаги каби қайд этилган жойларни қора шудгорлаш, бороналаш ва дискалаш ишларини вақти-вақти билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Зараркунандаларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, агротехник чора тадбирларни амалга ошириш лозим. Масалан, марокаш чигирткаси сув тўпланмайдиган, дўнг, чимли қаттиқ ерларга кўзача кўяди. Шу майдонлар қишнинг қаттиқ совуқ ва ёгингарчиликларидан олдин 10-12 см чуқурликда чизел қилинса, кўзачалар ернинг юзасига чиқиб қолиб нобуд бўлиши кузатилади. Сурхондарё вилоятининг Дазира, Сайхон массивларида кўп йиллар олиб борган тадқиқотларимизда бу усул қулланилганда 30-35 фоиз кўзачалар нобуд бўлганлиги кузатилди.

Шунингдек, чигирткалар қанот чиқариб учиш даврида яйловларда эфемер, эфемероид ўсимликлар қуриб қолиши сабабли, улар озуқа излаб уча бошлайди. Айнан шу вақтда чигиртка галалари йўналишига кунжара талқони ёки беда, дарахт шох-шаббалари ва бошқа серсув ем-хашак экинларидан алдамчи ем тайёрлаб, уларни қўллаш ҳам яхши самара беради. Бунда албатта уларга ҳозирги пайтда зарарли чигирткаларга қарши қўлланилаётган заҳарли препаратлардан бирортасини кўшиш лозим бўлади.

Зарарли чигирткалар оммавий кўпайган 2003 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Гуржак қишлоғи атрофида, 2009 йилда Қумқўрғон туманининг Тарвузпоя участкасида дарахт шох-шаббалари Адонис 4 % эм.к. ва Децис 2,5% эм.к. препаратлари аралашмаси пуркалиб алдамчи ем сифатида чигиртка галалари йўналишига ташланганлиги туфайли аҳоли томорқаларидаги деҳқончилик экинлари ва яқин атрофдаги боғ, ток, ғўза ўсимликлари сақлаб қолинди.

Кейинги йилларда воҳа ҳамда маҳаллий чигирткалар, темирчаклар кенг тарқалаётган ва хавф туғдираётган жойларда, бўш ётган жойлар ва дала четларини ҳайдаш, уларни ўзлаштириш ишларини амалга ошириш бу турдаги чигирткаларнинг ёппасига кўпайиб кетишининг олдини олишда муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Яйлов ўсимликлари зараркунандаларининг табиий қушандалари хилма-хил, жумладан, қушлардан – *чугурчиқ, майна, гоз, қирғовул, чумчуқлар, қарғалар*, бўғиноёқлилардан – *ўргимчак, қизил кана, чаён, фаланга, арилар, визилдоқ паишалар, афидидлар, малҳамчи қўнғизлар* ва бошқа жониворлар зараркунандалар сонини камайтириб туришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо уларнинг самарадорлиги 12-18% дан юқори эмаслиги тажрибаларда тасдиқланди.

Маълумки барча қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда бугунги кунда экологик хавфсиз табиат ва инсон учун салбий таъсирсиз кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан биридир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Новакрид, н.кук., биопрепаратининг 0,025 кг/га сарф меъёрида биологик самарасини ўрганиш бўйича лаборатория ва дала шароитларида тажрибалар ўтказилди. Лаборатория тажрибасида махсус ясалган уяча(садок)нинг ҳар бирига 30 тадан марокаш чигирткасининг личинкалари жойлаштирилди. Ушбу тажрибамизнинг биринчи ва учунчи кунларида биопрепаратнинг самараси кузатилмаган бўлсада, 5-куни 10,6%, 7-куни эса 48,0% биологик самара олинди. Биопрепарат сепилганидан 11-кундан сўнг унинг биологик самарадорлиги яққол намоён бўлди (94,3%), 15-кунга келиб эса 100,0% чигирткалар нобуд бўлганлиги аниқланди.

Дала тажрибаси Навоий вилояти, Нурота тумани, Нурота қоракўл насылчилиқ МЧЖ ҳудудида, УМО (ўта кам ҳажмда) пуркаш мосламаси ёрдамида махсус ишчи эритма (соляркага аралаштирилиб) 2,0 л/га сарфлаб, бажарилди. Тажрибада Новакрид 1-3-кунлардан кейин биологик самара кўрсатмади, аммо, тажрибанинг 11-кунидан кейин 87,9%, 15-кундан кейин эса 95,3% биологик самара кўрсатиб андозага тенг бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Новакрид н.кук. биопрепаратининг марокаш чигирткасининг 3-4 ёшли личинкаларига қарши биологик самарадорлиги (Дала тажрибаси, УМО-2 л/га, 29.05.2018 й.)

Вариантлар	Препарат сарф-меъёри, л/га ёки кг/га	Ўртача 1 м ² даги чигирткалар сони							
		Ишлов-гача	Ишловдан кейин, кунлар						
			1	3	5	7	9	11	15
Новакрид н.кук.	0,025	232,5	232,5	228,4	219,4	139,7	79,2	28,1	10,9
Бу ҳам.(андоза)	0,05	168,3	168,0	164,7	149,7	83,1	47,1	18,6	7,7
Багира, 20% ЭМ.К. (андоза)	0,1	228,0	22,4	10,3	7,5	8,0	12,3	-	-
Назорат (ишловсиз)	-	214,0	214,0	214,0	214,0	212,9	210,6	205,3	206,1
Биологик самарадорлик, %									
Новакрид н.кук	0,025	-	0,0	1,7	5,6	39,9	65,9	87,9	95,3
Бу ҳам.(андоза)	0,05	-	0,1	2,1	11,0	50,6	72,0	88,9	95,4
Багира, 20% ЭМ.К. (андоза)	0,1	-	90,1	95,5	96,7	96,5	94,6	-	-
Назорат (ишловсиз)	-	-	-	-	-	-	-	-	-
ЭКФ ₀₅ =			3,2	3,1	2,9	2,8	1,8	1,4	1,1

Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйловларида зарарли чигирткаларга қарши Давлат кимё комиссияси рўйхатида бўлмаган, янги, замонавий инсектицидларни илк бор турли меъёрларда самарадорлигини

